

ЯНГИ ЙИЛНИНГ МУВОРАК БЎЛСИН!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТНАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ЙИЛ
ЧИҚИШИ

№ 1 (4971).

1

ЯНВАРЬ

СЕШАНБА

1974 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

ЎРТОҚ А. И. БРЕЖНЕВНИНГ ТЕЛЕВИДЕНИЕ
ВА РАДИО ОРҚАЛИ СЎЗЛАГАН НУТҚИ



Партия Марказий Комитети билан Совет ҳукумати шунга аминдирларкин, янги, 1974 йилда ҳам биз мамлакатини ривожлантиришнинг янада мураккаб ва масъулиятли вазифаларини ҳал этаётганимизда, ўзининг секинли Ватанига чексиз садоқатли совет кишилари лия меҳнатга коммунистик муносабат намунасини кўрсатадилар.

Ўртоқлар! 1973 йил партиямиз билан Совет давлатимиз қардош социализм мамлакатлари билан биргаликда ер юзиде тинчликни мустаҳкамлаш учун, партия XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программасини амалга ошириш учун олиб бораётган курашда кўпгина муваффақиятлар билан ҳам нишонланди.

Ниҳоят, Вьетнамдаги ўруш тўхтади. Европадаги сиёсий қўлқўрилиб бормоқда. Бизнинг мамлакатимиз билан қардош социализм мамлакатлари ва барча тинчликсевар давлатлар ўртасидаги дўстлик алоқалари янада кўпроқ мустаҳкамланди. Бизнинг мамлакатимиз Исроил агрессиясига дуч келган араб халқларининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишига, Яқин Шарқда мустаҳкам ва адолатли тинчлик ўриштириш ишига актив ҳисса қўшмоқда.

Совет Иттифоқининг Америка Қўшма Штатлари билан ва бошқа бир қанча давлатлар билан ўтказган музокаралари ва тузган битимлари халқаро кескинликни юмшатиш учун катта аҳамиятга эга бўлди. Биз шунинг асосида мамнуният билан айта оламизки, бутун совет кишилари дунёдаги бошқа халқлар каби денгизда тинчланиш ишларини сиёсийнинг нақд самараларини ҳар қачонгидан ҳам аниқроқ сезиб турибдилар.

Кўпгина давлатлар билан ўзаро муносабатларимизда вужудга келган ҳамма яхшиликларни мустаҳкамлаб олиш ва ривожлантириш вазифасини ўз олдимизга қўймоқдамиз. Биз халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини ривожлантиришда, бу жараёни конкрет моддий мазмун билан тўлдиринида адолатли ҳаракат қилаверамиз. Биз коммунистик идеаллардан илҳом олиб, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликнинг олижаноб ишларини бундан буюн ҳам ҳозирги замоннинг энг зарур ва энг ҳаётли талаби деб билиб, аўр эътиқод билан қаттиқ туриб ҳимоя қилаверамиз.

Давлатларнинг кенг қўламадаги тинч ҳамкорлиги учун мустаҳкам шартшаронини таъминлаш, айрим жойларда ҳал этилмаган қолган мунозаралардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиб қолмишга уринаётган агрессия кучларининг қирқинқорларига, халқаро кескинлик душманларининг галамисдикларига зарба бериш учун ҳали анчагина куч-гайрат сарфлаш зарур бўлади, албатта. Аммо биз келажакка умидворлик билан қараётимиз, чунки социализмнинг қудрати йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда, сиёсатда тинчлик ва реализм тарафдорларининг таъсири кучаймоқда, чунки тинчлик сиёсати барча халқларнинг эзгу орзу-умидларига мос келади.

Ўз-ўзидан равшанки, биз Ватанимизнинг муҳофазасини, бутун социалистик ҳамдўстликнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш туғрисида қардош мамлакатлар билан ҳамжиҳат бўлиб, бундан буюн ҳам ҳамжўрлик қилаверамиз.

Янги йил арафасида совет кишилари социализм мамлакатларининг меҳнатчиларига, коммунистик ва илмий партияларига, халқаро ишчилар ҳаракатининг барча отрядларига қардошлик салоҳини ва энг яхши тилакларини йўлайдилар. Биз янги ҳаёт кураётган, империалистик ва мустамлакачилик аўдмига қарши курашаётган ҳамма халқларга, агрессия ва аўдми қарши, тинчлик ва социал тартиқнинг учун курашаётган ҳамма кишиларга энг яхши тилакларимизни йўлаймиз.

Совет кишиларининг шонли ишлари билан тўлиб-тошган, Ватанимизнинг ривожига, халқлар ўртасида мустаҳкам тинчлик ва дўстлик учун курашда кўпгина муваффақиятларга эришилган йил тугай деб қолган ҳозирги пайтда мен азиз ватандошлар, Сизларнинг ҳаммагинизни кўз олдимда фикран кўриб турибман.

Моҳирона қўллари ва юксак техникавий маҳоратлари билан мамлакатнинг тез ўсиб бораётган иқтисодий ва муҳофаа қудрати негизи бўлиш зарбадаси совет ишчиларининг ҳаракатга келтирилган қаҳрамон ишчилар синфинининг миллион-миллион уғил-қизлари ҳеч қандай қўрқинч билан кўриб турибман.

Бу йилги ҳосил учун олиб боришган буюк жангининг миллион-миллион қаҳрамонларини, аjoyиб галлакорларини, меҳнаткорларини, чорвадорларини, пахтакорларини, ўзларининг фидокорона меҳнати билан совет халқини боқайтган ва қийин-тираётган ҳамма кишиларини кўриб турибман.

Милт-милт ҳалди олимларининг, совет санъат усталарининг бутун кучларини, бутун садоқатли меҳнатларини боқайтган ва ишларининг тарбиялаш ишига, халқнинг сиҳат-салооматлиги ишига сарфлаётган аjoyиб оғил-қизларини миллион-миллион вакилларининг равшан ҳечқаранга кўз олдимда турибди.

Шу дамларда ўзларининг юксак граждонлик бурларини бажо келтириб, Ватанимиз хавфсизлиги посбонлигида турган совет халқининг доворак ўғлонларини, Қўрқол кучларининг жангчиларини жуда аниқ кўриб турибман.

Азиз дўстлар, Сизларнинг ҳаммагинизга денгизчи партия-мизнинг Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан мурожаат қилиб, Янги йил саломини ва кутловларини топираётиман, Сизлар ўтган йилда қилган яхши ишларининг ҳаммасини учун чин қўнғидан миннатдорчилик билдираман ҳамда Янги йилда меҳнатда бундан ҳам кўпроқ муваффақиятларга эришувингизни истаб, самизий тилаклар билдираман, сиҳат-салооматлик ва бахт-саодат тилайман.

Янги йилнинг кутлауе бўлсин, азиз ўртоқлар! Бахт-саодат ҳаммаша ёр бўлсин!

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Сиз билан биз яна эски йилни узатиб, янги йилни кутиб олаётимиз. Яна бир неча дақиқадан сўнг Кремль куранти 1973 йил тугаб, янги, 1974 йил бошланганлигини даҳар беради.

Совет кишилари 1973 йилни мамнуният ва ифтихор туйғуси билан узатиб қолмоқдалар. Бу йил кўпгина яхшиликлар бахш этди. Бу йил бутун совет халқи чинакам зардор меҳнат қилган йил бўлди. Хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида катта-катта муваффақиятларга эришилди.

Хўшбўй, йил осонлиқ билан бошланмаган эди; шундан аввалги, 1972 йилдаги ҳаммамизга маълум табиий офатларнинг оғир оқибатлари сезилиб турар эди. Аммо совет кишилари—коммунистлар ва партиячилар ўзларининг ушшоқчиликларини, фидокорликларини ва ташаббусдорликларини қийинчиликларга қарши қўйдилар. Партиянинг давлатига бибоб мамлакатда умумхалқ социалистик муносабатини қийинчилик билан йўлга қўйди. Партия ташкилотлари ва совет органлари, қасаба создалари ва комсомол жуда катта иш олиб бوردилар. Улар бу йил бутун халқ билан биргаликда масъулиятли илтиҳон топиридилар ва БУ ИЛТИҲОНДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ УТДИЛАР. Бутун халқ куч-гайратларининг натижалари энди яққол кўришиб турибди.

Санъат ишлаб чиқариш планлари тўла ва ошириб бажарилди. Янги-янги жуда катта заводалар ва домна печлар, электр станциялар ва транспорт магистраллари мамлакатнинг ишчиларини қудратини оширди.

Қишлоқ хўжалик меҳнатчиларининг галабаси ҳам бизни қувонтирди. 1973 йилда галладан, пахтадан ва бошқа баъзи экинлардан илгари ишлаб кўрилмаган миқдорда мўза ҳосил йиғиштириб олинди.

Меҳнатдаги муваффақиятлар халқ фаровонлигини янада ошириш имконини берди. ХАЛҚ ФАРОВОНЛИгини ОШИРИШНИ ЭСА ПАРТИЯ ўзининг БОШ ВАЗИФАСИ ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ. Миллион-миллион совет кишилари учун бу йил иш ҳақи ва пенсиялар оширилганлиги, меҳнат ва турмуш шароити яхшиланганлиги билан қувончлидир. 1973 йилда ўн бир миллиондан кўпроқ киши янги уйлارга кўчиб кирди. Халқ истеъмол қилмаган моллар ишлаб чиқариш кўпаймоқда ва янада тезроқ қўнайверади.

МАНА ШУЛАРИНИНГ ҲАММАСИ—МЕХНАТ САМАРАЛАРИДИР. Эритилган металлнинг, қазиб олинган кўмирнинг, етиштирилган дон ва пахтанинг ҳар бир тоғнасында, қурилган ҳар бир ишоратда — меҳнатсевар совет кишини тэжрибаси, ақл-заковати ва талантнинг улуши бор. Бутун, янги йил арафасида бу йил ордени ва медаллар билан мунофотланган, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган минг-минглаб совет кишиларини ҳўшаудлик билан самизий табриқлейман.



САМИМИЙ КУТЛОВ

КПСС Марказий Комитетининг ўртоқларга телеграмма йўллаб, Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ўртоқлар миллий байрам — Куба Революциясининг 15 йиллиги муносабати билан Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Куба Республикаси Революцион ҳукуматининг Бош министри Фидель Кастро Рус ва Куба Республикасининг президенти Освальдо — Дортнос Торрадо рақибат учун курашаётган халқларга янги куч-гайрат бахш этган Куба революциясининг гоёг буюк аҳамияти бутун дунёда эътироф қилинмоқда.

Телеграммда жумладан қуйидаги иштаклар билдирилди: Совет кишилари — Сизларнинг ютуқларингизга астойдил қўнғондилар ва Куба халқи ўзининг Коммунистик партияси ва Революцион ҳукумати раҳбарлигида, социализмнинг тўла галабасига эришди, деб қаттиқ ишонганликларини билдирадилар. Миллий озодлик ва социал та-

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ
ФАРМОНИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР СОСТАВИДА ЖИЗЗАХ
ОБЛАСТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТУҒРИСИДА

Сирдарё областининг саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ишлари янада жадал юксалтириш, маъмул катта резервлардан самарали фойдаланиш ҳамда ҳўлмага хизмат кўрсатиш ишлари янада яхши-лаш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

1. Ўзбекистон ССР составида Жиззах области ташкил қилин-

Жиззах области составига киритилган территорияда жойлашган сайлон округларидан сайланган депутатлари янги ташкил этилган меҳнаткашлар депутатлари Жиззах области Советининг депутатлари ҳисобланадилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Х. ПУЛАТОВА,

Тошкент шаҳри, 1973 йил 29 декабрь.

1974-йил, БЕШЙИЛЛИКНИНГ

Ангрел, Янгйўл ва Бекобод шаҳарлари умумий оқватлашиш трестлари коллективлари Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақада актив иштирок этиб, ҳал қилувчи йил план-топшириқларини муддатидан бир ҳафта илгари 25 декабрда ортиғи билан адо этдилар.

ТУҲФА

Хар уччала трест коллективлари мавжуд имкониятларини ҳисобга олиб, қолган вақт давомида шаҳар аҳолиси учун планга кўшимча 240 минг сумлик яримфабрикат, кулинария ва кондитер маҳсулотлари етатириб бериш мажбуриятини олган эдилар. Бу мажбурият ҳам бажарилди.

НУРЛИ КЕЛАЖАК

Аваз Сувонов асли қашқадарёлик. Дастлаб, барча ёшларда бўлганидек, гоҳ учувчи, гоҳ инженер, гоҳ жарроҳ бўлишни ҳавас қилиб юрди. Юқори синфга ўтганидан сўнг эса журналист бўлишни келиб қолди. Район газетасига кетма-кет мақолалар ёза бошлади. Ўз низо-си билан босилиб чиққан илк мақолалар унда ишонч туғдирди. Унинг номи област газетаси саҳифаларида ҳам кўрина бошлади... Лекин бу романтик давр узокқа чўзилмади. Аваз журналист бўлиш орасида ўт-кинчи ҳавас эканлигини тушу-ниди. У ҳаёт тақозоси билан Ол-малиқ металлургия комбинати-нинг мис заводига электрик бў-либ ишга кирди-ю, ниҳоят кўн-гилдики касбини тоғаллигини юракдан ҳис қилди... Мана ҳо-зир Аваз Сувонов — аълочи студент, илгор ишчи.

Аваз Янги йил арафасида қашқадарёлик дўстига мактуб ёзибди. Ёзиб бу мактубини газет-хонлар эътиборига ҳавола қи-лаётган лозим топдики. «Дўстим, сени Янги йил бил-дан табриклаш баҳонасида кўп-дан бери қалбимни тўлқинлан-тириб юрган ҳис-туйғуларимни с-м билан ўртоқлашмоқчи-ман. Тошкент политехника инсти-тутининг Олмалиқдаги филиа-лига келиб янгилашмаган экан-ман. Олмалиқ аjoyиб шаҳар. Ай-ниқса, корхоналарнинг кўпчили-ни айтмайсанми! Ҳаммаси электр қуввати билан ишлайди.

Бу — бизнинг энергетика фа-культетимизда ўқитган сту-дентлар учун жуда қулай. Кет-курун ўқиб, кундузи ҳоҳлаган корхоналарида ишлашлари мум-кин. Мен металлургия комбинати-нинг мис заводига электрик бў-либ ишлайман. Заводимиз тўла ёшлар. Кўпчилиги мен сингари студент. Бизга атаб кўп қаватли шинамгина ётоқхо-на қуриб берилган. Баъзан бўш қолганимда ўзимизнинг Қарши даштини ё-лаб кетаман.

Энди эса «Қарши дашти» дегад ёшларнинг ҳақиқий жа-сорат майдони гавдаланади кў-з олдимизда. Уларнинг ҳаммаси Иттифоқимизнинг турли бур-чакларида қалб аяри билан отилиб кетган турли миллат вакиллари... Олмалиқда ҳам шунақа. Шаҳар корхоналаридаги иш-чиларнинг ўзати ёшлар. Мана ҳозир завод-фабрикалари ҳам, шаҳарнинг ўзи ҳам тўрт та-рафга кенгайиб борапти. Олмалиқнинг ҳам бошқа ша-ҳарларга ўхшаб ўз тарихи бор. 1939 йилда Қурама тоғ тизма-лари этакларида ташкил топа бошлаганда бу ерда бор йўғи 319 киши яшаган экан. Ора-дан ўн йил ўтиб, аҳоли сони 5000 кишига етганидан сўнг кўроғини қони очилган, мис комбинати ишга туширилган. Бу корхоналарга кўп ишчи кучи керак бўлгани учун, Олма-лиқда ҳар жойдан турли мил-

лат вакиллари кела бошлаган. 1951 йилга келиб, аҳоли сони 9000 га етгандан кейин шаҳар номи берилган унга. Ҳозирги пайтда Олмалиқда 90 мингдан ортиқ киши ишай-ди. Улар Янги йилни ёруз юз билан кутиб олишди. Саноат корхоналари йил бошидаги на-ъдаларига кўра пландан ташқари 3 миллион сумлик маҳсулот ре-ализация қилишлари керак эди, олти ойдаёқ бажарилди. Йил охиригача яна 5 миллион сумлик маҳсулот реализация қилиш режаси тузилди. Иккин-чи марта олтинган бу социали-стик мажбурият ҳам шараф бил-дан бажарилди. Бу айтишгагина осон. Янги йилларгача, кўрим-сизгина посёла бўлган Олма-лиқ энди қудратли саноат мар-кази. Мирашўлини тулистон қилган. Олмалиқни дунёга та-нитганлар ким?... Янгида китоб varaқлаб ўти-риб, бир шигил ҳикояни ўқиб қолдим, бу саволимга жа-воб тоғаллик бўлди. Балки сен уни ўқимагандирсан. Кел, ўзим айтиб берайла:

«Мен Тошкентнинг Собор даҳасида турман. У ён-б ён-га бориб қолгудек бўлсам: — Ошнам, қаерда турасан? — деб сўраша: — Соборда, — дейман... Қардош республикаларга бортанимда бошимдаги дў-п-нигма қараб: — Дўстим, Сиз қайси ўлка-дан? — деб сўраб қолмиса: — Ўзбекистондан, — дей-ман... Чет элга саёхатга борсам: — Жаноб, Сиз қаердан? — деб сўроққа туғилса: — СССРдан, — дейман. Агар мен Марсгами, Зухрога-ми, Ойгами учиб қолсам-у, у ерда мабодо одамлар бўлиб, мендан: — Сиз қаердан келдингиз? — деб сўраша, мен оддийгина қилиб: — Ердан, — дейман...» Тушундингми, дўстим, ҳақи-қий инсон чегара билмайди. Бутун кoinот — унинг вата-ни. Шунинг учун нияти ҳам, мақсади ҳам битта — ер юзи-ни туғлаб-яшатиш... Хар сафар шу ҳақда ўйла-сам, бир шпорнинг шеъри ёди-ма-га тушади:

Қудратнинг қаршисида тоғлар таъзимкор,
Одамзод, қаердан уни олгансан?...
Бошингда минг битта таъзим, дардинг бор —
Тилагим: ҳамини нурдай азиз бўл,
Кўкка кўз тутмасанг майлига, лекин
Муқаддас ерингда ёруз юзгудек бўл!...



Мен ана шу «ёруз юзгудек» тилмолида Олмалиқнинг нурли келажагини яратётган минг-лаб ишчи ёшларни кўрайман... Сени яна бир бор Янги йил билан табриклаб, дўстинг Аваз Сувонов.

ҚҮЙЛИК ЖАМОЛИ

Республикамиз пойтахтининг энг кенжа даҳаларидан бири ҳисобланган Қўйлик турар-жой массиви келажақда янада обод ва гавжум бўлади. «Таштипро-гор» лойиҳалаш институтининг бир гуруҳ инжодкорлари мас-сивда қурилажак янги 4-микрорайон лойиҳасини яратдилар. 2660 оилага мўлжалланган янги микрорайонда 50 та янги тўрт ҳамда тўққиз қаватли ту-рар-жой, бир ярим мингдан зиёд ўқувчига мўлжалланган мактаб, 740 ўқувчи учта бола-лар богча-ясилси, кўнлаб мага-зини, ошхона, чойхона бинолари қурилади.

ИТТИФОҚДА ЯҒОНА

«Ўзгироводхоз» лойиҳалаш институтининг ерданчи корхо-налар ва граждон ишчи-отларини лойиҳалаш бўлими архитек-тор ҳамда инженер-техник хо-димлари ирригация, жиҳозлари ишлаб чиқарадиган заводнинг биринчи навбати лойиҳасини туғаллади. Бу завод Итти-фоқимизда ягона корхона бўла-ди. Унда гидротехника жиҳоз-лар, турли хил деталлар, ме-лорация ишларида фойдалани-ладиган металл конструкциялар тайёрланиб Ўрта Осиё респу-бликалари ҳамда Қозогистонга жу-патилади. Янги завод Тошкент яқини-да жойлашган Бектемир посёл-касида бунёд этилади. Корхона комплексининг биринчи навба-ти 16 цех ва турли хизмат би-ноларидан иборат. Бу цехларда йилга 30 миллион сумлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. «Ўзгироводхоз» лойиҳалаш институти ходимлари заводнинг иккинчи навбати ишчи чизма-ларини тайёрлашга киришди-лар.



ҲАЁТИМИЗ МЕЪМОРЛАРИ

КПСС XXIV съезди дирек-тиваларида тилга олинган Ол-малиқ химия заводи иккинчи навбати қурилиши ҳам бар вақт туғалланди. Қу-ли гул бунёдкорлар байрам вахтасида турб графикадан ўзиб меҳнат қилдилар ва янги йилни ёруз юз билан кутиб ол-дилар. Суратда: (чапда) Янги йил арафасида тикланган 120 метр-ли труба, (ўртада) завод нава-тининг умумий кўрinishи ҳа-ла пешкада курувчилик Эки-мат Неъматов билан Муҳаммад Холмираев ўртоқларини кўриб турибса.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

ОЛТИН ЙИЛЛАР

Хар йилнинг ўз мазмуни, та-риҳида қолдирган ўчмас изи бор. Бугун жонажон Ўзбекистонимиз ўзининг эллик йиллик шонли юбилей йилига қадам қўйган кун-да ҳурматли газетхонлар билан биргаликда, республикамизнинг олтин солимоносида айрим vara-қларга назар ташлаймиз.

1924 — 27 октябрь Ўзбекистон Совет Со-циалистик Республикаси ташкил тоиди. Ўзе-бекистон ССР территориясидаги бутун қоният-ни Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси-нинг биринчи ҳукумати — Вақтда Революци-он Комитет қўлига ўтди.

1925 — Бухорода Ўзбекистон ССР Совет-ларининг биринчи съезди бўлди. Съезд ҳалқ хо-ҳиш-продасини ифодалаб, гоҳт муҳим тари-хий ҳужжатни — Ўзбекистон Совет Соци-алистик Республикасини ташкил этиш тўғри-сидаги Декларацияни катта кўтаринкилик билан қабул қилди. Республикада давлат ҳо-кинмийатининг раҳбар органи — Ўзбекистон ССР Марказий Икромона Комитетини сайлади. Илдош Охунбобоев унга раис қилиб сайлан-ди.

1925 йил февралда Бухорода Ўзбекистон Коммунист (большевиклар) партиясининг биринчи съезди бўлиб ўтди. Съезд респу-блика партия ташкилотининг — Ленин партия-си билан жамоғовар отрядининг гогайи-ташки-лий шаклланишида муҳим босқичлардан би-ри сифатида тарихга кирди.

2 февралда Коммунист партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби Михаил Иванович Калининни Тошкентга келиши унутулмас воқеа бўлди. Умумхалқ оқсоқоли Самарқанд, Бухоро, Андижон, Фарғона, Қўқон, Ашхобод, шаҳарларида ва бир қанча қишлоқларда ҳам бўлди. Ўзбекистон ССР Советларининг ва Ўзбекистон Компартиясининг биринчи съездалари иштирок этиди.

1926 — Ўзбекистонда ер-сув реформалари ўтказида бошланди. Энергетикамиз қалдирғочи — Ўзсув гид-роэлектростанцияси ишга туширилди. ВКП(б) Марказий Комитетини Ўрта Осиё бю-росининг иленими янги турли алфавитига ўтиш ҳақида қарор қабул қилди.

Тошкентда кенг тарпоқли радиостанция қу-ришга қарор қилинди.

1927 — Хотин-қизларни ёшасига озод қи-лиш, уларни илтифоти меҳнатга жалб этиш юзасидан катта ишлар қилинди.

1928—1932 — биринчи беш йилликнинг яратувчилари йиллари. Республикада сано-ат юксак суръатлар билан ўса бошлаб, ўнлаб, юзлаб янги саноат корхоналари ишга тушди. Қишлоқларда ёшасига коллективлаштириш юзасидан.

1931 йилда В. И. Ленин сайланма асарла-рини ўзбек, қорақалпоқ тилларида нашр этиш ҳақида қарор қилинди.

1932 йил бошида Тошкентда шаҳар партия комитетини ташкил қилди.

1933—1937 — колхоз тузумининг ғалаба-си ўзбек қишлоқларининг қиёфасини тубдан уағартириб юборди. Колхозлар, МТС ва сов-хозлар Ўзбекистон қишлоқ ҳужалли ва ир-ригациясини янги юксак даражага кўтарди-лар.

Янги шаҳарлар бунёдга кела бошладди. Жумладан, 1934 йил Тошкент биқинида я-шил болларга бурканган, енгил ва озиқ овқат саноати маркази бўлган Янгйўл барпо бўлди. Унинг кетидан пойтахтининг иккинчи биқинида — қадимий Қирғизқулоқ ва Қишлоқ қишлоқлари, улар тевааригадики бун ёрларда қиммат ва машинасозлар шаҳри — Чирчиқ қад кўтарди. Юлусе Фучини ҳайратда қол-дирган бу шаҳар ҳозир республикада йирик саноат марказларидан бирига айланган.

Мадания ҳаётимизда қувончли воқеалар юз берди. 1937 йил ўзбек театр санъатини рив-ожлантиришда юксак хизматлари учун Ҳамза ноили театр Ленин ордени билан, унинг кетидан Ўзбек Давлат музикали театри ва Ўзбек Давлат филармонияси эса Меҳнат Қизил Байроқ орденлари билан мукофотлан-дилар.

1939 — Ўзбекистон Совет Социалистик республикаси туғилганига ўн беш йил ту-лини ҳақида республикамнинг қишлоқ ҳужалли, айниқса пахтачиликдаги катта ютуқлари учун Ленин ордени билан мукофотланди.

Сув учун умумхалқ ҳаракати авж олди. Ўзбекистон меҳнаткашлари Норин ва Қора-дёр суварлини Фарғона водийсининг чапқоқ ерларига оқиниш учун дадил кураш бошлади-лар. Партия чадиринга буювон 100 минг коло-хоачи қанал қурилишига чиқди. 70 кило-метр узунлидаги қанал 45 кунда тайёр бўлди.

1941—1945 — Улуғ Ватан уруши йиллари ишчилар, колхозчилар, зиялиларнинг фидоко-рона меҳнати тўғрисида Ўзбекистон Совет Ар-миясининг арсеналларидан бирига айланди. Республикада эвакуация қилинган 60 фабрика ва завод тезда ишга тушди. Уруш йиллари 6 та электростанция қурилиди, Ангрелда янги кўнур қонлари очила бошланди.

Умуман уруш йиллари мобайнида Ўзбеки-стонда 230 та янги саноат корхонаси барпо бўлди. Урушнинг тўрт йили ичда республи-ка колхозлари давлатга 3588 минг тонна пахта, 54067 тонна пилла, 1087 минг тонна доғ, 195 минг тонна шол, 432 минг тонна кар-тошка ва сабзавот, 57444 минг тонна мева ва узум, 38000 тонна қуруқ мева, 159300 тон-на гўшт, 22300 тонна жун берди.

Ўзбекистондан борган баҳодир жангчилар

Москва остоналарида, қамалда қолган Ленин-град, Сталинград фронтларида мислсиз на-сорат кўрсатдилар. 280 нафар юртдошимиз Совет Иттифоқи Қарамонини номига сазовор бўлди.

1943 йил Ўзбекистон ССР Фанлар акаде-миясини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

1943—1950 — урушдан кейинги беш йил-лик; ҳалқ ҳўжалигини тиклаш ва маданий тараққиёт йиллари.

1946 йил февралда СССР Халқ Комиссар-лари Совети Совет Ўзбекистонда пахтачи-лигини тиклаш ва янада ривожлантириш ҳа-қида қарор қилди. Бу қарор пахтачиликни мамлакатда мисли қўрилмаган суръатлар бил-ан юксалтириш вазифасини қўйди. Шу йил Бекобода В. И. Ленин номи завод — Ўрта Осиё қора металлургиясининг тўғичи ишга тушди.

1943 йил 1,5 минг жўнчи қаблби йилга ва қиз бўламак Оқангарон уринида тақир чўлга келиб палаталарга қурди.

1948 йил улуғ ўзбек шоири Алишер Наво-ийнинг 500 йиллик юбилейини бутун мамла-кат нишонлади.

Умумий етти йиллик мажбурий таълим тўғрисидаги қонун амалга оширида бошлан-ди.

1951—1955 — бешинчи беш йилликнинг зарбдор олдими.

1951 йил Москвада ўзбек адабиёти санъа-ти декадаси ўтди.

Қурама тоғлари этакларида қалби жаваҳир-ларга тўлиқ Олмалиқ шаҳри вужудга келди. Пахтачилик, энергетика, янги газ саноати тез ўса бошлади.

1953 — Ўзбекистон ССР Совет пах-тачиликни ривожлантиришда катта м/в сифатлари учун иккинчи Ленин ордени билан тақдирланди. Шу йил Ватан 2 миллион 857,8 минг тонна Ўзбекистон оқ олтинини қабул қилиб олди.

1957 — СССР Министрлар Совети респу-блика аҳолиси, колхоз-хўжалиқ ва саноат корхоналарини таъиний газ билан таъминлаш мақсадида Жерқоқ — Бухоро — Самарқанд — Тошкент магистрал газ қурувни қуришга қа-рор қилди.

Шу йил Мирзачўл марказида вужудга келган Янгйер шаҳри қўриқ ерларни ўзлаш-тиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

1958 — Ўзбекистон хартасида кимс са-ноатининг йирик маркази — Навоий шаҳри пайдо бўлди.

Тошкентда Осиё ва Африка мамлакатлари вазувиладининг бирдамлик конференцияси ўтказилди.

1959 — Тошкент область меҳнаткашлари

пахта етиштиришни кўпайтириш, ғўзави ишланнинг прогрессив усулларини кенг қўллаш, машиналар билан пахтани йиғи-териб олишдаги муваффақиятлари учун Ленин ордени билан мукофотланди. Бу мукофотта шу йили Самарқанд области, Қорақалпоқис-тон АССР ҳам сазовор бўлди.

1966 — Ўзбекистоннинг халқаро миқёс-даги обрўси «Тошкент руҳи»дан сўнг охиб кетди: Хиндистон ва Покистон ўртасидаги қонли урушга чек қўйган Тошкент декларация-си шу ерда имзоланди. Чет эл матбуоти бу урарушга «Рус дипломатиясининг Ста-линград» деб ном берди.

Табиий офатин бартараф этиш учун КПСС Марказий Комитетининг Бон секретари Л. И. Брежнев билан СССР Министрлар Совети-нинг Раиси А. Н. Косигин Ўзбекистон пой-тахтига ёрдам кўрсатиш тадбирларини иш-лаб чиқишда шахсан қатнашмоқ учун келди-лар. Бутун мамлакат Тошкентга ёрдам қўли-ни чўздди. Янги Тошкентни бунёд этишга ки-ришилди.

1972 — ССР Иттифоқини ривожлантириш ва мустақамлашдаги, социалистик миллат-лар ва элалар дўстлигини, қардошларча ҳам-корлигини мустақамлашдаги катта хизмат-лари учун барча республикалар қатори Ўзе-бекистонимиз Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланди.

1973 — юксак мукофотни ўртоқ Л. И. Брежнев республика байроғига тақиб қўйди.

Тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида Ўзе-бекистон меҳнат аҳли фидокорона ишлади.

Шу уринда айрим кўрсаткич-ларни 50 йил олдинги рақамлар билан қиёс этиш жоиздир. 1924 йил Ўзбекистон территориясида 4 миллион 500 минг киши яшаган бўлса, ҳозир аҳоли 13 миллион-дан ортиқ кишини ташкил этади. 1921 йил 14 минг тонна пахта етиштирилган эди. 1973 йил бу рақам 4 миллион 909 минг тон-нага етди. 1940 йил 5 та пахта машинаси бор эди, Ўтган йил рес-публикамиз далаларида минглаб «зангори кема»лар сузиб, рекорд ҳосилининг салкам ярмини териб берди. 50 йил муқаддам бир йил-лик электр энергия 15 миллион киловатт-соатга тенг бўлса, 1973 йили 25 миллиард киловатт-соат электр энергия ҳосил қилинди. Ўтган йилда саводилар сони икки фойзага етаретмас эди. Ҳозир етти ёнган етмиш ешгача саводхон ўлкамиз илм-фан аҳллариинг жаҳон довури бор.

Олтин тўйнинг муборак бўл-син, баркамол ўлка!

С. МУСАЕВ.

ТОНГДАГИ ЎЙЛАР...

Бир дарахтдай очар экан булгар, Бир дарахтдай кираккан бағлар, Бир йилгизмиз этиб бизни тари, Сасегагина тушаркан йўлга, Сирлаш маънос, шодон дил билан.

Кетаётган ўқтам йил билан. Япроқнам, бир йиллик умрим, Бошланганим бор ниҳонси. Сўнг нафасда бўлган сол жим, Сен келарининг бўлдинг довси. Бахт гўлтоқини кийдим қайси дам.


Ҳасратларда қуйдим қайси дам. Қай нафасда ул йиғит, суйгун, Юрагимга бююримни ташфир. Савсем дейман, ун оқ, қўйгин, Ҳаётга ўз-ўзимдан лишириб. Ниҳон бўлсин бул кун ишқи бахт.

Келур ошкор бўлмоғига вақт. Ўзим билан ўзим овора. Тор уймада бўлдимизми банд. Қанот ёзиб, кўйим тобора Оломонинг кўнглига каманд Ташладимми, қай бир қорачўғ, Қай юракча солаолдинг чўғ. Бу шундайин галати аср, Ўзинг учун яшамайсан сен. Тилайсенси, уфуриб атр. Қўйлам қўшининг боғи гулдаси. Ўз боғинг ҳам гуллар у билан, Қўш боғларда қуйлар ҳам балад! Айт, айланиб қолмадимми бош Майл сезиб гоҳ қўнғил хушларга.

Ва мендаги шу навкирон ёш, Ўралашиб майда ишларга. Зое кетдимми йилми, — дейман, Кам ундайи хослимни дейман? Қарши, Сирга бағиллашиб жон, Пахтакор тер тўкар шай туриб. Юрагимда даштарлар бепойи, Ўзлаштирлмадим улуғриб. Улгуримасинк тичитмас жонини, Шу ранж яна қизтар қонини. «Ўлгураман» — деб ашар одам, «Етаман» — дер манзил — мўлажи.

Еқа ушлар ҳайратдан одам, Гуркиратан боғлардан ҳали. Фақат инсон умринг узайсин, Сен омон бўл, яраттуқчи — Сен. Янги йилнинг шу оқ тонгида Тиним билмас азиз инсонинг Эканлиги, яратганнинг, Қонқамган жонсарак жонини, Дейман кучиб, фарзанд сингари; «Янги йилнинг — кутлуг, жангарим!»

Ҳалима ХУДОИБЕРДИЕВА.



БАТАНИМИЗ пойтахти — Москва. Кремльнинг Спасск минорасидаги курантлари. Ундаги суратда эса туғиш Москванинг Калинин проспектидан кўриб турибсиз.

В. Егоров ва А. Стужин фотолари.

ТАСС фотохроникаси.

КРЕМЛЬ БОНГИ



БҮРСИЛДОҚ НОНЛАР

ХОНАДОНИМИЗГА меҳмон келса энг олдин дастурхонга нон келтириб қўйилган. Нон — меҳмон ҳурмати, дастурхон айиғи. Шунинг учун ҳам биз уни эъзозлаймиз, унинг кўзига суртмаймиз.

— Юрт ўқинчилик, — дейди «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси директори С. Тиллаҳуяев, — бирлашма-мизга қарашли қорхоналар янги ҳосил ундан ҳар кун 400 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Бирлашма қорхоналарида янги йил арафасида 300 граммлик обонин ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилди. Ҳар кун би қилдаги нонлардан 100 минг донаси ёпилиб эл дастурхонига тақдим этилмоқда. Бундан ташқари «Тошкент», «Юбилейний» деб номланган ёпиқ патирилар, сутга қорилган нонлар ҳам қўлаб ишлаб чиқаришмоқда.

Янги йил арафасида Октябрь районида миллий нонлар ёпиқдан механизацияланган тандир ишта туширилади. Тандирнинг ёпиғисидан мағазини ҳам бор. Янги узи олдинги бўйсиз-қоқ нонлар мағазини орқали аҳолига сотилаверди. Механизацияланган тандир бир кеча қулузда 10 тоннагача нонни ёпиб беради.

ҒАРҚ ПИШИҚЧИЛИК

ТАШҚАРИДА аёз, ичкарида эса ёз. Теллиқа хўжаликда ҳозир ғарқ пишиқчилик. Палакларда товланиб турган помидорлар, кўрак бодринглар, рангдор редискалар пешмаш узиб олиниб шакарликлар дастурхонига тақдим этилипти.

Янги йил арафасида саҳий даладардан 15 тонна помидор, бодринг, редиска ва бошқа хил резановлар йиғиб олиниб, савдо тармоқларига чиқарилади. — дейди «Қўйил» теллиқа хўжалиги директори Саломхиддин Чўбев, — коллективимиз утган йилда зўр ғайрат билан меҳнат қилиб ишлаб чиқариш тошхирларини 140 процентга етказиб адо этдилар. Бунинг эвазига 1,5 миллион сўмлик соф фойда олди.

Теллиқа хўжалигининг 11 гектарлик серхосил майдони бор. Янги йил арафасида экин майдони яна 3 гектарга кенгайдди. Ишчилар ҳар бир гектар самарадорлигини ошириш йўлида бор имкониятларини ишга солишмоқда. Раҳима Мирзаярмонова ҳар бир квадрат метр майдондан ҳозир 20 килограммга етказиб маҳсулот оляпти.

Оржоникидзе районидан Жунин номли колхоз теллиқа хўжаликларидан ҳам экинлардан тобора кўп ҳосил олишмоқда. Янги йил дастурхонига 10 минг дона лимон, 8 тонна помидор, бодринг, 800 килограмм редиска, қўқатлар етказиб берилди.

ЭЛГА МАНЗУР

«УРТОҚ» кондитер фабрикасининг конфет цехи коллективни декабрь ойида мажбур қувватлардан унмол фойдаланиб, алайдан ташқари 20 тонна маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлди.

— Янги йил арафасида биз бир қатор янги хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўрганиб олдиқ, — деди цех бошлиғи Восик Ҳайдаров. Улар орасида «Ананас», «Ўзбекистон», «Қўш сут» каби шоколадлар ва пархез конфетлар бор. Декабрнинг сўнги декадасида тайёрланган ширинликларнинг ҳаммаси тошкентликлар байрам дастурхонига етказиб берилди. Янги йил дастурхонига товланиб турган ширинликларини Аскар Додонов, Раёно Файзибекова, Марғуба Шомухорова каби қандолатчилар тайёрлаб чиқаришган.

Э. МАМАЖОНОВА.

Қорбобо Тошкент область воҳалари бўйлаб кезиб юрар экан, халтасида эркатойлар учун сон-сановсиз шодлик совгалари олиб юрар эди. Биринчи бўлиб унинг йули Бўка районидан Мичурини номли колхозга тушди.

Болаларнинг шодон қийиқ-риқлари олсидан эшитила бошлади. Қорбобо ўша томон бурлиди. Катта бинода байрам Болаларнинг ҳам, ота-оналарнинг ҳам кайфияти чоғ, юзларида табассум. Колхозларро қурилиш бошқармаси ишчилари ўларнинг раҳбари Б. Пой билан бирга давра ўртасида нурли табассум ила хушнуд туришарди. Улар шанига та-

таъминотидаги тартибсизлик ҳам кўнглини огритди.

Қорбобо колхоз раҳбарларига га танбех бериб, меҳмонхонада бир кеча тунаб, областнинг бу райони билан хайрашди.

Пўл уни Юрочирчиқ районидан «Правда» колхозига бошлаб борди. Бу ерда ҳам у эркатойларнинг «хавли тўйлар» устидан чиқиб қолди: мудатидан олди болалар боғчаси фойдаланишга тошхирлибди. «Қўрилиб турибди, — ўзига ўйлади Қорбобо, — қурувчилар кичикитойларни жуда ҳам яхши кўришар экан, уларни

— Ҳозирча уйларида, — жавоб берди у. — Объект акт бўйича тошхирлишган. Хўжалик мудир хал ишхитовоқ олгани йўқ.

Қорбобо таажжубланиб елкасини қисдида, катта йўлга чиқди. Енидан ўтиб бораётган област қишлоқ хўжалик бошқармаси капитал қурилиш бўлини бошлиғи В. Попов уни кўриб, машинасига тормоқ берди. Орада қутилмаган суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбат давомиди Қорбобо севинчи ташхир билан алмашинди. 1973 йил област бўйича 1680 ўринли 15 та болалар боғчаси қуриб бериш мўлжалланган экан, нудратчилар шундан фақат 1040 ўринлик 9 та боғча қуриб тошхирлишди.

Юқорида кўриб келганларидан ташқари, Қорбобо Калинин районидан Собир Раҳимов номли колхозда, Бекобод районидан «Победа», «Коммуна» колхозларида қурилган янги болалар боғчаларини ҳам боғи кўрди. Болаларга совга салом улашди.

Аммо Ўрта Чирчиқ районидан тўлиқ ишта туширилиши лозим бўлган учта болалар боғчасидан атиги биттаси — «Полярная звезда» колхозидан тасий тайёр экан.

Қорбобого баъзи жойлардаги болаларини «хавли тўй» билан табрикланш ва болалар боғчасининг очилиш маросимиди уларга довга-салом тошхирлиш нақиб этмади. Жумладан, Калинин районидан Ленин номли, Оржоникидзе районидан «Коммунист» колхозларида шундай воқеа рўй берди.

Кичикитойларни равиқитган катталарни қандай восита билан жазолашнинг йўлини топмаган Қорбобо, совуқ ва муз лашхирини ишта солди.

Д. ПОЛЕВОЙ.

ЎЗБЕКЧА календарь

● «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти янги йил учун Ўзбекча календарини 300 минг нусхадда босиб чиқарди. Календарда ярим аср давомиди республика-мизда бўлган улкан ўзгаришлар, жанговар воқеалар, экономика ва маданий тараққиётга оид маълумотлар катта ўринни эгаллаган.

Календарь варақларидаги янги хил рубрикалар остида илмий маълумотлар, шеърлар, донолар боситидан олшган фойдаланишлар берилган. Уларни ҳар бир киши қизиқиб ўқийди. Бундан ташқари турли хил ҳаётий масалалар, ҳикматли дағифалар ва табиат оламида содир бўладиган аjoyиб ва гаройиб воқеалар ҳам календарини варақлаганингизда кўзга ташланади.

О. АБДУРАХМОНОВ.

НУРЧИЛАР ХУРСАНД

● ЧОРВОҚ посёлкасининг Соляничный массивда қурилган маъшии хизмат кўрсатиш уйи янги йил арафасида фойдаланишга тошхирлиди. Уни «Чарвак-ГЭСстрой» бошқармаси бинокорлари бунёд этдилар.

Маъшии хизмат уйида кийим бошлар тикши цехи, прокат пункти, хизматсика, сартароҳона ва фотостудия жойлашган. Улар хизматидан нурчилар маъшуқ.

Маъшии хизмат уйида ҳозир 62 киши меҳнат қилмоқда. Яқинда Приморский массивда хизмат уйининг янги филиали ҳам иш бошлади.

Ш. БАХТИЕРОВ.

ҚОРБОБОНИНГ САФАРИ

шақкур айтилди. Район напиди қурилиш бўлини бошлиғи А. Ҳақбердиев номига ҳам раҳматлар ёғиди.

Қорбобо янги болалар боғчасига келиб қолганлигини дарҳол ағлида. Бу боғчага мудатидан икки ой илгари тугатиб, чиройли ва сифатли қилиб тошхирган илгор қурувчилар қўлини маҳкам қисди. Сўнг яна ўз йўлида давом этди.

Кўп юрмасдан шу райондаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг яқинда тикланган болалар боғчасига дуч келиб, беихтиёр тикилиб қолди. Қишлоқ қурувчилари томонидан чала қолдирилган ишлар шундоқ кўзга чалинди. Шунингдек,

деб графидан ўзиб ишлашди.

Болаларга совга улашган Қорбобо Янги йўлга йўл олди. Уерда у «эски йил Янги йилга қанақанги энг яхши совга келтирди» деб сўраган пайтда, қурувчилар жўр бўлиб жавоб беринди:

— Ҳамроқул Тўреуқулов номли колхозда 180 ўринлик болалар боғчаси қуриб берилади. Бино беш корпусли бўлиб, лнроили безатилган. У. Амнрабобов бошлиқ янги меҳанизацияланган қурилиш бошқармаси коллективининг туҳфаси бу.

— Болалар кўринмайдми-я? — сўради қоровулдан Қорбобо.

ҲАР фаслнинг гашти ўзгача. Қиш ҳам ўзига яраша зағди.

Тизза бўйи қорда чена тортсанг, конькида учсанг ёки шундай, оппоқ либосга бурқалган хйебонларда сайр этсанг бахри-дилнинг очилади, кайфиятнинг кўтарилари. Бунинг айниқса, ҳаётимиз чачаклари — кичикитойлар яхши билишади.

Фотомухбир И. Глауберзон олган ушбу суратда қиш гашти акс эттирилган.

И. Глауберзон фотоси.

КЎРГАЗМАДА ҲАВАС-КОРЛАР АСАРЛАРИ

Ўзбекистон ССР Рассомлар Союзи республикамизнинг ярига севдик тўйи олдидан қатор тематик кўргазмалар ташхир этилиши планлаштириб қўйди. Республика ҳаваскорларининг юбилей кўргазмасига ҳам тайёрлаб ишлари бошланди. Исод ва маҳорат кўриги ва-

зифасини ўтайдиган бу экспозицияга тошкентлик ҳаваскорлар ҳам ўз асарлар билан қанақадилар. Тошкент политехника институтини архитектура факультетининг студенти Н. Литвинов яратган уч қисмдан иборат «Қаҳрамон оналар» расмлари айниқса диққатга сазовор.

БАЙРАМ ТАОМЛАРИ

Совет савдоси аълочиси Шариф Солиқов уста пазандалардан. Унинг ширин кўли билан яратилган ўнлаб таомлар хўрақдаларга манзур бўлган. Бугун моҳир пазанда ўзи яратган таомлардан бир нечасини байрам дастурхонига тортиқ қилмоқда. Қўйда аша шу таомларни тайёрлаш усули билан танишасиз.

«ГУЛИСТОН» САЛАТИ

Арчилган турп ошга тўғраладиган сабзи шаклида майдалаб тўғралаб, майонез шарбати тўғралаб пишган товук гўшти, ёқ нухат, қовурилган пнз ва туз, мурч солиб аралаштирилади. Сўнг уни ликопчаларга солиб, усти Бекжирим қилиб селсанг пишган тухум, беҳи, товук гўшти ҳамда ҳар хил қўқатлар билан безатилган, дастурхонга тортилади.

Олти киши учун тайёрланадиган салатга қўйидагича масаллик керак бўлади: 300 грамм пишган товук гўшти, 3 дона тухум, 2 дона беҳи, 600 грамм тўғралаб турп, 120 грамм кўк нухат, 30 грамм қовурилган пнз, 120 грамм майонез.

ҚАЙНАТМА ШЎРВА

Бу таом номи ҳам «Гулистон» деб аталади. Маълум миқдордаги гўшт қозондан собуқ сува солиниб, қайнатилади. Қайнатма устидида кўпик пешма-пеш олиб турлади.

Сўнг устига пнз, сабзи, шолғом, саримсоқ солиб қайнатиб давом эттирилади. Шунингдек, олча ёки олхўри қоқи ҳам солиниди. Қайнатмага пишши олдида картошка ва лавр барги ташланади.

Олти кишилик қайнатма шўрвани тайёрлаш учун қўйидагича масаллик керак бўлади: 1 килограмм кўй гўшти, 120 грамм олча ёки олхўри қоқи, 120 грамм нухат, 240 грамм пнз, 100 грамм саримсоқ пнз, 1 килограмм картошка, 120 грамм сабзи, 140 грамм шолғом ишлатилади.

СОМСА

«Гулистон» сомсасини уй шаронтида газ духобкасида тайёрлаш мумкин. Тухум, туз солиб қорилган хамир бироз тиндириб қўйилади. Хамирдан 40—45 граммлик зувалачалар узиб олиб, яхшилаб ёйилади. Бу ни бақариқлаб, ёйилган зувалачага махус тайёрланган кнйма, думба ёғи солиниб, думалоқ шаклда ўралади. Тайёрланган сомсалар газ-духобкасига терилади.

Сомсага қнйма тайёрлаш қўйидагича амалга оширилади: кубик шаклда тўғралаб гўшт, тўғралаб пнз, мурч, туз солиб аралаштирилади. 12 дона сомса тайёрлаш учун қўйидагича масаллик ишлатилади: 400 грамм ун, 500 грамм кўй гўшти, 380 грамм пнз, 100 грамм думба ёғи, 1 дона тухум, туз, мурч, зира таъбга қараб солинади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ВА Эълонлар

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КONTOPACИ KИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНЛАРИГА

„ТОГЛАР ЧОРЛАЙДИ“

НОМЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ ЧИҚАРАДИ

«Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулот.



Сценарий авторлари Владимир Барабаш ва Ярослав Филлипов.

Бу лирик-саргузаштлик фильм болалар ҳаётига бағишланган бўлиб, ёзда мактаб ўқувчиларининг тоғ ёнбағрида жойлашган пионерлар лагерига дам олиши ҳини қилинади.

Картинада асосан бир кун мобайнида бўлиб ўтган воқеалар тасвирланган. Бу кунни болалар ўзлари ўйлагандек ўтказишга қарор қилган эдилар. Лагер бошлиғи Жўлақалган режиссари ўзгартириб, улар Оқтошсой горидан топишган ёшк паторлар ва «С. В» ҳарфлари ёзилган солдат фляжасининг сирини очиб билан қизиқшади.

Болалар турли қийинчиликларга дуч келишади. Қўлгини вазиетларга тушио қолишади ва пионерларда катталар ёрдамида горинг сирини билиб олишади. Тарбиячи Аббос Ғозиевич ўзини болаларга айниқса яқин тутди. У ўз ишини чиндан ҳам севади, у — ўз қарамогидан болаларнинг ҳақиқий тарбиячиси, у доимо болаларга ёрдам беришга тайёр. Аббос Ғозиевич граждандар уруши қаҳрамони эписодларидан бирининг сирини очишда болаларга яқиндан қўмақлашади.

Фильм оператори М. Пенсон
Рассом А. Шиблев
Композитор А. Манжуков.

Асосий роляларни Дила Сосновский, Исхандар Умаров, Бобур Аҳмаджонов, Гулнора Рустамова, Мунаввар Абдуллаева, Сергей Яковлев ва бошқалар ижро этадилар.



ВИРНИЧ ПРОГРАММА. 9.35 — ТОШКЕНТ. 9.40 — Ассалом, янги йил! 10.10 — Кўриқчи фильм. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янги йил. 11.10 — Мультифильмлар. 11.35 — Фильм-концерт. 12.00 — Бадий фильм. 13.15 — Болаларга қайиновлар ҳақида. 13.45 — Концерт. 14.30 — Хўжалик фильм. 16.20 — ТОШКЕНТ. 16.30 — Цирк томошалари. 17.20 — Янги йил мунасабати кўтуво. 18.05 — Омади ментельменлар (бадий фильм). 18.30 — «Ахборот». 19.45 — Мушоррағи давом. 20.45 — «Ахборот». 21.00 — Телеманиялар. 22.00 — «ВАКТ». 22.30 — Вактнинг концерти. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00 — ТОШКЕНТ. 11.05 — Фильм-концерт. 16.20 — МОСКВА. 17.10 — Совет шоирларини шайрлари. 17.30 — Цирк меҳмонлари чорлайди. 18.30 — Концерт. 19.25 — Бу кунон планета (бадий фильм). 20.55 — Концерт. 22.00 — Хўжалик фильм. 22.30 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент эгиланлари. 19.15 — Телефильм. 20.00 — Фильм-концерт. 21.05 — Иккинчи боланинг катта ташвишлари (бадий фильм).



НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 11 да Доктор Аббоял (қулузун), Флорин Тоска (кечурун) 21 да Бир ақил балетлар (қулузун), Травита (кечурун), 31 да Евгений Онегин (қулузун), Тановар (кечурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11 да Олтин девор (қулузун), Парвона (кечурун), 21 да Абу Райҳон Беруний (қулузун), Он.

шомдан тушгача (кечурун), 31 да Бой ила хизматчи (қулузун), Олтин девор (кечурун). МУҚИМИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11 да Кунуш тўй (қулузун ва кечурун), 21 да Тонинининг эри (қулузун), Ҳикрон (кечурун), 31 да Умарлар (қулузун), Қайнона (кечурун).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 11 да Ойдин (қулузун), Мудхш вазиат (кечурун), 21 да Ташвишланманг онансон (қулузун), Беш кунлик нубв (кечурун), 31 да Ойдин (қулузун), Биринчи бўса (кечурун).

КИНО 1 ЯНВАРДА

Бошсиз чавандоз (10.45, 12.30), Қишчи Англия (14.30, 17.30, 20.15) — САБАТ САРОНИ. Иван Васильевич касбини ўзгартиради (11.45, 13.30, 18.00), Музина садолари (15.15, 20.00): — «ЧАНКА».

Синган тақа — «СПУТНИК» (асуфт солларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 50 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (қулузун ва кечурун).

Кора қирол муаммоси — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «МИР» (қулузун ва кечурун).

Гул ва тош — НАВОИЙ номли (қулузун ва кечурун).

Кум, карьеры генераллари — С. Раҳимов номли (қулузун ва кечурун).

Сайх — ҲАМЗА номли (қулузун ва кечурун).

Санников ери — «ДРУЖБА» (қулузун ва кечурун).

Рам ва Шам — Г. ГҒУЛОМ номли (қулузун ва кечурун).

Ўз ҳисобимдан ун кун — «ЎЗБЕКИСТОН» (қулузун ва кечурун).

Ринг — «ҚЎҚА» (қулузун ва кечурун).

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда» босма кўчаси, 26-й.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 836495. Редактор ўринбосарлари — 835885, 837916. Массўл секретари — 834808. Пропганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 831936. Сановат, транспорт ва қурилиш бўлими — 833786. Партия турмуши, ахборот ва спорт бўлимлари — 835811. Киш-

лоқ хўжалиги, фан мактаб ва олий ўқув юртлири бўлимлари — 839050. Совет қурилиши маъшии хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 837045, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 834048. Эълонлар бўлими — 838142, коммунатор — 830249 дан 830258 га.

Ўзбекистон Компартиясини Маркалий Комитети нашриётининг босмаҳонаси, Тошкент шаҳри,

А — 2461.
Индекс 64634.
Р. 04108.